

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил январь ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар суди, Янгиер шаҳрида жойлашган 4-сонли ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган мактаб интернати биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Ж.Ҳайдаров, судья ёрдамчиси Ф.Ахматкуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиер шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи О.Қобилов, жабрланувчилар И.Кулова ва И.Абдигафиров ҳамда судланувчи А.Салимовларнинг иштирокида, Салимов Аброр Нематуллоевичга нисбатан 1-1211-2101/8-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Салимов Аброр Нематуллоевич (Salimov Abror Nematulloevich), 1988 йил 11 декабрь куни Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, қармоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланган;

1.Жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг 2015 йил 2 февраль кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб 5 ой муддатга қамоқ жазоси тайинланган.

2.Жиноят ишлари бўйича Боевут туман судининг 2015 йил 1 май кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57,59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаларига асосан узил-кесил 5 ой муддатга қамоқ жазоси ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида 4.305.400 сўм жарима жазоси тайинланган. Мирзаобод туман суд ижрочилари бўлимининг 2015 йил 22 август кунги қарорига асосан суд ҳукми билан тайинланган жарима тўлиқ ундирилганлиги муносабати билан амалда ижро этилган ижро ҳужжати бўйича ижро иш юритиш тамомланган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган. мавсумий ишчи, Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, “Ойдин” МФЙ, Янги кун кўчаси, 14-уйда яшайди, иш бўйича 2020 йил 23 декабрь куни “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида”ги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 30 декабрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ҳамда 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.



Суд, судланувчи, жабрланувчилар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Салимов Аброр Нематуллоевич фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан такроран ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш жиноятини қуйидаги вақт, усул ва ҳолатларда содир этганликда айбланган.

Жумладан, А.Салимов 2020 йил май ойида алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкини қўлга киритиш мақсадида, Боёвут тумани Зиёкор маҳалласи Обод гўша кўчаси 8-уйда яшовчи Кулова Инобат Курбоновнани ушбу маҳаллада жойлашган савдо дўконида алдаб унинг ишончига кириб, савдо дўконига 2.100.000 сўмлик кийм кечак махсулотларини олиб келиб беришни айтиб ундан 2.100.000 сўм пуларини олиб, ушбу пулларни ўз шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Натижада А.Салимов ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Кулова Инобат Курбоновнага жами бўлиб 2.100.000 сўм моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, А.Салимов ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб такроран фирибгарлик қилиш мақсадида, 2020 йил май ойини охирларида алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкини қўлга киритиш мақсадида, Боёвут тумани Зиёкор маҳалласи Алоқачи кўчаси 24 уйда яшовчи Абдиғафиров Илхом Юсубовични алдаб унинг ишончига кириб, яшаш уйдан тўрт бош молларини 12.650.000 сўмга нарҳлаб пулини бир ой ичида беришини айтиб олиб кетиб, ушбу молларни сотиб пулини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Натижада А.Салимов ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Абдиғафиров Илхом Юсубовичга жами бўлиб 12.650.000 сўм моддий зарар етказган.

Судланувчи Салимов Аброр Нематуллоевич суд муҳокамасида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2016 йилдан буён Гулистон шаҳар деҳқон бозорида савдо сотиқ ишлари билан шуғилланиб келишини, 2020 йил май ойида Боёвут тумани Зиёкор маҳалласида савдо қилувчи Кулова Инобат опа билан танишиб қолганлигини, у Инобат опага савдо дўконига кийим кечак олиб келиб беришини айтиб 2.100.000 сўм пул олганлигини, кейинчалик Абдиғафиров Илхом исмли йигит билан ҳам танишиб қолганлигини, 2020 йил май ойини охирларида Абдиғафиров Илхомдан икки бош бузоқчани 2.650.000 сўмга савдолашиб пулини ўн кунларда бериш шарти билан сотиб олганлигини, орадан бир икки кун вақт ўтиб Абдиғафиров Илхом қўл телефонига телефон қилиб уйда она бола сигири борлигини нархи 10.000.000 сўм эканлигини пулини бир ойларда берса бўлишини айтганлигини, шундан сўнг унинг таклифига рози бўлиб она бола молни уйига олиб келганлигини, шундан сўнг ушбу тўрт бош молларни Тошкент вилояти Янгийўл тумани мол бозорига олиб бориб жами 9.450.000



сўмга сотганлигини, ушбу молни пулини айлантриш мақсадида Тошкент вилояти Янгийўл туманида жойлашган кийим ишлаб чиқариш сеҳидан кийим кечак маҳсулотларини олганлигини, ушбу кийим кечакларни дўконларга тарқатганлигини ва дўконлардан пулларини йиғиб олишни бошлаганлигини, дўконлар унга пулини бўлиб берганлиги сабабли И.Абдиғафировни пулини бера олмай шаҳсий эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, шу билан бир қаторда Кулова Инобат опанинг ҳам берган 2.100.000 сўм пуларини ўзининг шаҳсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, ҳозирги кунда жабрланувчиларга ётказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини билдириб, суддан жазо тайинлашда қонунда белгиланган тартибда енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Кулова Инобат Қурбоновна суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам 2020 йил май ойида Боёвут тумани Зиёкор маҳалласида жойлашган савдо дўконида савдо қилиб турган вақтида ўзини Тошкент вилояти Янгийўл туманида яшовчи деб таништирган Салимов Аброр исмли йигит аёллар кийимини сотиш учун келганлигини айтиб ўзи билан олиб келган аёллар кийимини кўрсатганлигини, шундан сўнг у билан савдолашиб ушбу кийимларидан дўконида сотиш мақсадида олиб қолганлигини, шундан сўнг Салимов Аброр мунтазам равишда садо дўконига аёллар кийимини олиб келиб берганлигини, шундан сўнг А.Салимов савдо дўконига келиб қўй сотиб олиш нияти борлигини сингисининг тўйига қўшиш учун кераклигини айтиб қолганлигини, шунда у маҳалласида яшовчи Абдиғафиров Илхомни савдо дўконига чақирганлигини, у келгунича А.Салимов удан аёллар кийимини олиб келиб беришини айтиб 2.500.000 сўм пул олганлигини, ҳозирги кунда А.Салимов ётказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, А.Салимовга нисбатан ҳеч қандай даъво ва эътирози йўқлигини, унга нисбатан жазо тайинлашда қонунда белгиланган тартибда енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Абдиғафиров Илхом Юсубович суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам 2020 йил май ойида Боёвут тумани Зиёкор маҳалласида яшовчи савдо ишлари билан шуғиланувчи маҳалладоши Кулова Инобат опа телефон орқали савдо дўконига чақирганлигини, у ерга борган вақтида А.Салимов билан танишганлигини, шунда Кулова Инобат опа бу йигитга қўй топишда ёрдам бер деб айтганлигини, шундан сўнг Салимов Аброр билан танишиб маҳалладан арзон нарҳда қўй топиб берганлигини, А.Салимов ундан ушбу қўйни сотиб олиб кетганлигини, 2020 йил май ойи охирида Салимов Аброр яшаш уйига келиб, “ака молхона қурдим ҳозир пандемия савдо йўқ уйингиздаги молларни менга сотинг, ҳамма томон очилган вақтда молларни сотаман. Бу вақтгача ушбу молларни уйда боқиб парвариш қиламан сиз ҳам фойдаланиг” деб уйда 4 бош молларни 13.000.000 сўмга савдо қилиб пулини 2020 йил 13 июль куни беришини айтганлигини, келишилган вақт яқинлашганида А.Салимов ҳар хил баҳоналар қилиб ушбу молларни пулини бермай уни алдай бошлаганлигини, шундан сўнг у Боёвут тумани ИИБга мазкур ҳолат юзасидан ариза билан мурожаат қилганлигини, ҳозирги кунда А.Салимов ётказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, А.Салимовга



нисбатан ҳеч қандай даъво ва эътирози йўқлигини, унга нисбатан жазо тайинлашда қонунда белгиланган тартибда енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи А.Салимовнинг кўрсатмасини тинглаб, А.Салимовнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмаларидан ташқари, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, тушунтириш хатлари (и.в. 10-14), сўроқ баённомалари (и.в. 32-36, 60-63), юзлаштириш баённомаси (и.в. 41-48) шунингдек жиноят ишида тўпланган бошқа ишончга сазовор объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд жиноят ишида тўпланган судланувчи А.Салимовни ҳам айблайдиган, ҳам оқлайдиган далилларнинг ҳар бирини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси асосида баҳолаб, қайд этилган далиллар А.Салимовни айбини тасдиқловчи бўлганлиги туфайли уларни ишга алоқадор деб, қонунда белгиланган тартибда тўпланганлигини назарда тутиб, уларни мақбул деб, суриштирув, дастлабки тергов даврида ва судда бир хил баён қилинганлигини ва мантиқан бир бирига мос ва ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи бўлганлигини назарда тутиб, ҳуқуқий онгга амал қилиб, уларни ишончли деб баҳолади ва бу далилларнинг мажмуини А.Салимовни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддаси асосида айблаш ва ҳукм қилиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Суд, А.Салимовнинг жинойий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

А.Салимовни 2020 йил май ойида алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкани қўлга киритиш мақсадида, Боёвут тумани Зиёкор маҳалласи Обод гўша кўчаси 8-уйда яшовчи Кулова Инобат Курбоновнани ушбу маҳаллада жойлашган савдо дўконида алдаб унинг ишончига кириб, савдо дўконига 2.100.000 сўмлик кийм кечак махсулотларини олиб келиб беришни айтиб ундан 2.100.000 сўм пуларини олиб, ушбу пулларни ўз шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, жабрланувчи И.Куловага жами бўлиб 2.100.000 сўм моддий зарар етказганлик жинойий ҳаракатларини, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди (хавфли рецидивист белгиси) билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандига биноан фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса жавобгарлик келиб чиқади.

Иш ҳужжатларига кўра, А.Салимов Жиноят ишлари бўйича Боёвут туман судининг 2015 йил 1 май кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57,59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаларига асосан узил-кесил 5 ой муддатга қамок жазоси ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида 4.305.400 сўм жарима жазоси тайинланган. Мирзаобод туман суд ижрочилари



бўлимнинг 2015 йил 22 август кунги қарорига асосан суд ҳукми билан тайинланган жарима тўлиқ ундирилганлиги муносабати билан амалда ижро этилган ижро ҳужжати бўйича ижро иш юритиш тамомланган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланганлигини эътироф этиб, суд А.Салимовнинг жиноий ҳаракатларини Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандидан, Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, А.Салимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб такроран фирибгарлик қилиш мақсадида, 2020 йил май ойини охирларида жабрланувчи И.Абдиғафировни тўрт бош молларини 12.650.000 сўмга нарҳлаб пулини бир ой ичида беришини айтиб олиб кетиб, ушбу молларни сотиб пулини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлик жиноий ҳаракатларини, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди (такроранлик белгиси) билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблаб, ЖКнинг 33-моддасига қайд этилган қоидаларга риоя этган ҳолда жазо тайинлашликни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кундаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деган талабларига риоя қилиб, судланувчига жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилишда содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавfli даражасини, жиноят содир этилиши сабаблари ва оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланишларни, содир қилинган ҳаракатларни оғирлик даражасини инобатга олиб, судланувчига индивидуал ёндошган ҳолда жазо тайинлашликни лозим топади.

Суд, судланувчи А.Салимовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, у томонидан содир этилган оғир жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчиларга нисбатан етказилган зарарни қопланганлигини инобатга олиш билан бирга, уни айбига тўлиқ иқдор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, оилали бўлиб, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари, қари онаси ва турмуш ўртоғи борлигини Жиноят кодексининг 55-моддаси асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, шунингдек, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини Жиноят Кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, А.Салимовни жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам тарбиялаш мумкин деган қатъий хулосага келиб, қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ва унга нисбатан қўлланилган



“муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

Шунингдек, судланувчи А.Салимов томонидан жабрланувчи И.Куловага етказилган жами 2.100.000 (икки миллион бир юз минг) сўм моддий зарар ҳамда жабрланувчи И.Абдиғафировга етказилган жами 12.650.000 (ўн икки миллион олти юз эллик минг) сўм моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Салимов Аброр Нематуллоевич (Salimov Abror Nematulloyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Салимов Аброр Нематуллоевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ҳар ойлик иш ҳақидан давлат даромадига 20 (йигирма) фоиз ундириб бориш шарти билан 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони умумий асосларда, ички ишлар органлари белгилаб берган жойларда ўташ, ўташ муддатини ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган кундан эътиборан ҳисоблаш белгилансин.

Салимов Аброр Нематуллоевичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида”ги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Салимов Аброр Нематуллоевичнинг суд жараёнида ҳимоячи хизматидан воз кечганлиги жараёни видео тасвирга туширилган 1 (бир) дона DVD диск жиноят иши материаллари билан бирга сақлансин.

Судланувчи А.Салимов томонидан жабрланувчи И.Куловага етказилган жами 2.100.000 (икки миллион бир юз минг) сўм моддий зарар ҳамда жабрланувчи И.Абдиғафировга етказилган жами 12.650.000 (ўн икки миллион олти юз эллик минг) сўм моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан, йигирма сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят келтиришга ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Ж.Ҳайдаров

“Ҳукм” нусхаси аслига тўғри:

